

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

ХАСАНОВА НАРГИЗА САГДУЛЛАЕВНА

**XX АСР ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ ТАЪЛИМИ ТАРИХИ ВА
РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по
искусствоведению**

Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Хасанова Наргиза Сагдуллаевна XX аср Ўзбекистон бадиий таълими тарихи ва ривожининг асосий тенденциялари.....	3
Хасанова Наргиза Сагдуллаевна Художественное образование Узбекистана XX века история и основные тенденции развития.....	25
Hasanova Nargiza Sagdullaevna Uzbekistan art education history and main development trends in XX century.....	46
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	50

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

ХАСАНОВА НАРГИЗА САГДУЛЛАЕВНА

**XX АСР ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ ТАЪЛИМИ ТАРИХИ ВА
РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2020.4.PhD/San17 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Бадий Академияси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг саҳифасида (www.mrdi.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziyounet.u) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Булатов Саидахбор Сабитович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахматуллаева Дилфуза Назруллаевна
санъатшунослик фанлари доктори,
профессор

Фатхуллаев Равшан Саъдуллаевич
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти**

Диссертация ҳимояси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.38/09.07.2020. San.119.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.). Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация билан Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: (+99871) 255-98-39, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги № _____ - рақамли реестр баённомаси).

Д.М. Қодирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, санъатшунослик фанлари доктори

Б.Ю. Сангиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

А.А. Зияев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, архитектура
фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий муносабатлар кесимида бадиий таълим шакл ва моҳиятининг ўзаро мувофиқлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирда такомиллашиб бораётган мазкур соҳа олий бадиий таълим амалиётида квалификациян ёндашувга нисбатан компетент ёндашувнинг муҳимлигини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан бадиий таълимда ижодкор-рассом, ижодкор-педагогларни тайёрлашда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига амал қилиш, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, бадиий жараёнда кечаётган ўзгаришларни таълимга сингдириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида санъатшунослик соҳасида замонавий бадиий таълимнинг генезиси ва тараққиёт босқичларини аниқлаш, ижодкорларни тайёрлашда бадиий-педагогик услубларни қўллаш тажрибаларини таҳлил этиш, бадиий таълимда изчилликни таъминлаш, интеграция масалаларини ўрганиш устувор илмий йўналишлардан бирига айланмоқда. Ҳозирда анъанавий таълим услуб ва воситаларини сақлаган ҳолда бадиий таълим тизими ва замонавий бадиий жараёнларни уйғунлаштириш орқали эркин ижодкорни тарбиялаш муаммоларини тадқиқ этиш санъатшунослик фани олдида турган долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Сўнгги йилларда республикамизда бадиий таълим жараёнида янги педагогик ёндашувлар, технологиялар ва усулларнинг жорий этилиши, жумладан, соҳада хорижий тажрибанинг интеграциялашувига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий санъатига кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келмоқда, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан рассом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташланмоқда”¹. Бу борада миллий бадиий таълим тизимининг шаклланиш жараёнлари, ривожланиш тамойиллари, мавжуд анъаналар ва соҳадаги инновацион ёндашув натижасида юзага келаётган ўзгаришларни тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-219-сон қарори // “Халқ сўзи”, 2017 йил 17 август.

тўғрисида”ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги 8-сон “Қамолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср тасвирий санъати ривожланган тарихий бадиий жараён сифатида таниқли санъатшунос, маданиятшунос, тарихчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ушбу диссертация ишида бадиий таълимнинг методологик ва назарий асосларини ўрганишда хорижлик олимлар Н.Молева², С.Даниэль³, С.Капланова⁴, А.Зайцев⁵, Э.Белютин⁶, А.Ашбе⁷, Н.Волков⁸, Г.Смирнов⁹, Г.Беда¹⁰ кабиларнинг тадқиқотларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи ва санъат мактабларининг бадиий хусусиятлари ва эстетик жиҳатлари Л.Ремпель¹¹, Г.Пугаченкова¹², Э.Ртвеладзе¹³, Ш.Пидаев¹⁴, А.Ҳақимов, Э.Гюль¹⁵, Абдулғофир Раззоқ Бухорий, С.Абдуллаев¹⁶, А.Мадраимов¹⁷, А.Семенов, И.Галеркина, Е.Полякова¹⁸, Н.Ахмедова, З.Раҳимова¹⁹ сингари олимларнинг илмий ишларида ёритилган.

XX асрда академик бадиий таълимнинг шаклланиш босқичлари Р.Такташ²⁰, М.Мюнц²¹, Л.Ремпель²², Т.Қўзиев²³, Н.Ахмедова²⁴, К.Акилова²⁵,

² Молева Н.М. Выдающиеся русские художники-педагоги. - М.: Просвещение, 1991.

³ Даниэль С.М. Картина классической эпохи. - Л.: Искусство, 1986.

⁴ Капланова С.Г. От замысла и природы к законченному произведению. - М., Изобр. иск. 1981.

⁵ Зайцев А.С. Наука о цвете и живопись. - М.: Искусство, 1986.

⁶ Белютин Э.М. Начальные сведения о рисунке. - М., Искусство, 1954.

⁷ Молева Н.М., Белютин Э.М. Школа Ашбе. - М., Искусство, 1958.

⁸ Волков Н.Н. Композиция в живописи. - М., Искусство, 1977.

⁹ Смирнов Г.Б. Живопись. - М.: Просвещение, 1975.

¹⁰ Беда Г.В. Живопись. - М.: Искусство, 1971.

¹¹ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. -М.: Искусство, 1982. – 270 с.

¹² Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусства Узбекистана. -М.: Искусство, 1965.

¹³ Ртвеладзе Э. Великий шелковый путь. -Т.: Энциклопедия, 1999. – 278 с.

¹⁴ Пидаев Ш. Сирли кушонлар салтанати. – Т.: Фан, 1990. – Б. 16.

¹⁵ Гюль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. Античность и Средневековье. - Т.: PRINT-S, 2005. – С. 208.

¹⁶ Абдуллаев С.Ф. Восточная миниатюра в системе высшего художественно-педагогического образования (история, теория, методика): автореф. дисс. док. педагогических наук. – Москва: 1996. – С. 7.

¹⁷ Мадраимов А. Индийские миниатюры конца XVI - XVII веков к историческим хроникам [Текст]: (Миниатюры к "Бабур-наме"): автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. искусствоведения. - Ташкент: 1979. - 20 с.

¹⁸ Полякова Е.И., Рахимова З.И. Миниатюра и литература Востока. Эволюция образа человека /альбом/. -Ташкент: изд-во. Лит. и искусство Г.Гуляма. 1987. - с.5.

¹⁹ Рахимова З.И. Шарк миниатюраси ва адабиёти - Т.: Ф.Фулум., 1987. Шаркона мўъжаз расмлар – ҳазрат Навоийнинг кўзгуси. - Т.: Ф.Фулум., 1991. Қамолiddин Бехзод. - Т.: Шарк., 2000.

²⁰ Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. - Т.: Фан, 1972. – 278 с.

Р.Хасанов, С.Булатов, Б.Бойметов²⁶ларнинг тадқиқотларида ўтган аср Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тасвирий санъат таълими анъаналарининг пайдо бўлиши ва ўрта махсус бадиий таълимнинг жорий этилиши тарихий кесимида тадқиқ этилган.

Ўзбекистон бадиий таълимнинг ривожланиши ҳамда тарихий жараёнларининг тадрижий босқичлари, ундаги амалий тажриба ва назарий муаммолар, миллий бадиий тизимнинг тараққий этишига таъсир кўрсатган омилларнинг тизимли таҳлили санъатшунослик фан тармоғида алоҳида илмий тадқиқот сифатида комплекс ўрганилмаганлиги мазкур диссертация ишининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ПЗ-2017-0930306 рақамли “Ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришда тасвирий санъат имкониятларини татбиқ этиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда бадиий таълими тарихи ва ривожининг асосий тенденцияларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон бадиий таълими генезиси ва ривожланиш босқичларини аниқлаш;

ўрта махсус академик реалистик бадиий таълимнинг пайдо бўлиш зарурати ва шаклланиш жараёнларини белгилаш;

XX аср академик бадиий таълим тизими ривожланишининг устувор тамойилларини аниқлаш;

етакчи рассом-педагоглар услуги, педагогик тажрибаларининг бадиий таълим методикаси ривожланишига таъсирини аниқлаш;

таълимнинг меъёрий асослари, ўқув жараёнида иштирок этувчи ходимлар, тадқиқотчилар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср Ўзбекистоннинг бошланғич, ўрта махсус ҳамда олий бадиий таълимнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари белгиланди.

²¹ Мюнц М.В., Ремпель Л.И. Изобразительное искусство Узбекской ССР. - М., Сов.худ.1957.

²² Ремпель Л.И. Изобразительный канон и стилистика форм на Среднем Востоке/Проблема канона. В древнем и средневековом искусстве Азии и Африки - М.: Наука, 1973. – С. 165.

²³ Кўзиев Т. Нафосат мактаби. - Т.: Қомус нашриёти, 1995.

²⁴ Ахмедова Н.А. Живопись Центральной Азии XX века: Традиции, самобытность, диалог: Особенности формирования и развития / Науч. Ред. А.Хакимов. - Т.: 2004. - 206 с.

²⁵ Акилова. К.Б. Народное декоративно-прикладное искусство Узбекистана. XX век – Алматы: PRINT-S, 2005. – 228 с.

²⁶ Булатов С.С. "Народное декоративно-прикладное искусство. Узбекистана в эстетическом воспитании школьников" (М.,1993); Хасанов Р. "Содержание, формы и методы художественного образования и воспитания учащихся общеобразовательных школ Узбекистана (на основе материалов национальных художественных традиций узбекского искусства)" (Ташкент, 1995); Байметов Б.Б. "Основы изучения национального орнамента и методика его обучения на художественно-графических факультетах педагогических институтов (на материале Республики Узбекистан)".(М.,1992);

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон бадиий таълимининг генезиси, шаклланиш механизмлари, бадиий-педагогик хусусиятлари, ушбу жараённинг асосий йўналишлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий солиштирма ҳамда тарихий-таҳлилий усул, фанлараро ёндашув, тавсифий, қиёсий таҳлил, типологик ҳамда эмпирик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қадимги ва илк ўрта асрлар бадиий мактаблар таълими ривожда етакчилик қилган жуссалар қиёфасини ифодалашдаги нисбий ёруғ-соялар, ифодалилик воситаларининг бўрттирилиши, образлардаги ғоявий-диний анъаналар уйғунлиги каби тасвирий ва бадиий воситалар эллинистик анъаналар негизда шаклланганлиги далилланган;

мамлакатимиз бадиий мактаблари саводхонлик услубияти грек-бақтрия даврида эллинистик анъаналар, кушонлар даврида ёдгорликларга ишланган тасвирий қоидалар асосида ривожланганлиги аниқланган;

XIX асрнинг сўнгги чораги - XX аср бошларида Ўрта Осиё бошланғич таълим мактабларидаги тасвирий санъат дарслари расм чизишдаги чизматасвир аниқлиги, борлиқни реал-ҳаққоний ва композицион акс эттириш, рухий ҳолатни яратиш услубияти каби реалистик йўналишлар ўқув-бадиий таълим шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қилганлиги аниқланган;

XX асрнинг ўрталарида Ўзбекистон олий академик бадиий таълими тизимида вужудга келган ижодий компетенция, воқелиқни профессионал ифодалаш, малакани оширишга йўналтирилган тенденциялар рассомларнинг реалистик, авангард ва концептуал санъат турларида эркин ижод қилишларига асос бўлганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий бадиий таълим тизимидаги мавжуд анъаналар, илғор ижодий тажриба ва тамойиллар интеграцияси услубий хусусиятларини замонавий бадиий жараёнга кенг тадбиқ этиш ва миллий бадиий таълимга оид ижодий изланишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон бадиий таълим тизимининг ривожланиши ва тараққиёт босқичларига оид илмий маълумотлардан “Ўзбекистон санъати тарихи” фанига доир янгиланган дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда, шунингдек, бадиий таълим соҳасига бағишланган телекўрсатув, хужжатли фильмлар яратиш, ижодкор рассом-педагогларнинг фаолиятларини ёритишда устоз-шогирд кўرғазмаларини ташкил этиш ва бошқа илмий-маърифий тадбирларни ўтказишда манба сифатида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, санъатшунослиқнинг синалган усуллари ва назарий ёндашувлари қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган таклифлар, хулосаларнинг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда апробациядан ўтганлиги, илмий натижаларнинг республика ва нуфузли хорижий журналларда чоп этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга

жорий этилганлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон бадиий таълими назарий асосларини кенгайтириш ва бойитиш билан бирга бадиий таълимнинг ривожланиш босқичларини, таълим анъаналари қадрияти, санъат методи ва таълим методи масалаларини шакллантиришга хизмат қиладиган услубларни белгилаш имкониятларини яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулоса ва маълумотлардан Ўзбекистон бадиий таълими тизимини, тарихини ўрганишда фойдаланиш имконини бериши, “Санъатшунослик асослари”, “Бадиий танқидчилик тарихи”, “Ўзбекистон санъати тарихи” фанларидан тайёрланадиган дарслик ва ўқув кўлланмалар учун кўшимча манба бўлиб хизмат қилиши баробарида, кўرғазмалар, амалий лойиҳаларни ташкил этишда асос вазифасини бажариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср Ўзбекистон бадиий таълими тарихи ва ривожининг асосий тенденциялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кадимги ва илк ўрта асрлар бадиий мактаблар таълими ривожда етакчилик қилган жуссалар қиёфасини ифодалашдаги нисбий ёруғ-соялар, ифодалилик воситаларининг бўрттирилиши, образлардаги ғоявий-диний анъаналар уйғунлиги каби тасвирий ва бадиий воситалар эллинистик анъаналар негизида шаклланганлиги бўйича олинган илмий натижалардан Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида 2015-2017 йилларда бажарилган ПЗ-2014-0829151412 рақамли “Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 89-03-4945-сон маълумотномаси). Натижада, бадиий мактаблар тарихи ҳамда бошланғич, ўрта бадиий таълим тизими тенденцияларининг тасвир ҳаққонийлиги хусусиятларини шакллантириш мақсадлари очиб берилишига эришилган;

XIX асрнинг сўнгги чораги - XX аср бошларида Ўрта Осиё бошланғич мактабларидаги тасвирий санъат дарслари расм чизишдаги чизматасвир аниқлиги, борлиқни реал-ҳаққоний ва композицион акс эттириш, руҳий ҳолатни яратиш услубияти каби реалистик йўналишлар ўқув-бадиий таълим шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қилганлиги бўйича олинган илмий натижалардан Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида 2015-2017 йилларда бажарилган ПЗ-2014-0829151412 “Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари” мавзусидаги амалий лойиҳада “Ўқувчиларнинг бадиий ижодга бўлган талабини ўстириш” бўлимини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 89-03-4945-сон маълумотномаси). Натижада, тасвирий санъат таълими сифати ва

самарадорлигини оширишнинг назарий асослари ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятлари, уларнинг дидактик, амалий кўникма имкониятларини кенгайтириш имконини берган;

XX асрнинг ўрталарида Ўзбекистон олий академик бадиий таълими тизимида вужудга келган ижодий компетенция, воқеликни профессионал ифодалаш, малака оширишга йўналтирилган тенденциялар рассомларнинг реалистик, авангард ва концептуал санъат турларида эркин ижод қилишларига асос бўлганлиги бўйича олинган илмий натижалардан Бадиий кўргазмалар дирекциясининг Марказий кўргазмалар залида ўтказилган “Альма-матер” кўргазмаси концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2020 йил 27 октябрдаги 03-09-374-1150-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон олий академик бадиий таълим тизимида вужудга келган тугалланган асар яратиш ижодий компетенциясига эга бўлиш, воқеликни профессионал ифодалаш малакасини ривожлантиришга йўналтирилган тенденциялар ёритилиши ва тарғиб этилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 12 республика илмий-амалий анжуманларида, 2 та илмий амалий семинарда, 1 та илмий-оммабоп журналда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий мақола, 1 та монография нашр этилган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, 2 та хорижий журналларда мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асосланганлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг муассасанинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, предмети ҳамда объекти, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, қўлланилган усуллар, нашр ишлари, ҳажми ва тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон бадиий таълими тарихидан”** деб номланган биринчи бобида Ўрта Шарқ кенг ҳудудларидаги рангтасвир мактаблари ривожига юксалиш жараёнларининг узвийлиги, улардаги таълим саводхонлигига хос хусусиятлар ёритилган. Мазкур бобнинг **“Тасвирий санъат анъаналари шаклланиши эволюцион жараёнларининг илмий адабиётлардаги таҳлили”** деб номланган биринчи

бўлимида бадий мактаблар таълими тарихи, яъни “Буюк ипак йўли” орқали пайдо бўлган турли маданиятларнинг ўзаро мулоқотлари воситасида Ўрта Осиё худудларида – шаклланган рангтасвир мактабларининг уч асосий босқич доирасида ривожланиш ва юксалиши жараёнларининг узвийлиги, эришилган ютуқлари ва даражаси таҳлил этилган.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими **“Ўзбекистон тасвирий санъатнинг қадимий ўчоғи”** деб номланган. Унда рангтасвир мактаблари анъаналари ҳамда бадий мактаб услубияти маъносидаги методик асослари тизимли таҳлил этилган. Жумладан, уларда мавжуд бўлган бадий саводхонлик қонунияти яъни, “канонларига” алоҳида тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга миниатюра санъати бадий мактаблари регионал жиҳатлари таҳлили, санъат усталари рисоаларида тасвирий санъат ва тасвир қоидалари ёритилган.

Минтақада антик ва илк ўрта асрлар бадий мактабларининг ривожланиш жараёнларида эллинистик анъаналар аҳамияти беқиёс²⁷. Дарҳақиқат, юртимизнинг салавкийлар ва бақтрия даври бадий мактаблари ривожда Ўрта шарқ мамлакатлари эллинистик маданиятнинг мумтоз анъаналари уйғунлик касб этганлигини кузатиш мумкин.

Мазкур худуддаги деворий рангтасвир Кушонларга хос – Далварзин тепа, Фаёз тепа, Холчиён сингари, илк ўрта асрларнинг – Болалик тепа, Панжикент, Варахша, Афросиёб, Қува ёдгорликлари нуфузи жиҳатидан беқиёс юксалишни қўлга киритган бадий мактаблар изчил фаолияти натижаси эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

Яқин ва Ўрта Шарқ кенг худудлари доирасида катта аҳамият касб этган эллинистик анъаналардаги тасвирий санъат бадий мактабларининг саводхонлик услубияти ибтидоси бўлган грек рассомларининг бадий мактаблари таълимидаги ютуқлари негизида Қадимий Мисрнинг асрлар мобайнида бадий мактабларида яратиб келган канон*лари восита бўлганлигини кўриш мумкин. Таниқли олим Н.Н.Ростовцевнинг²⁸ таъкидлашича, мисрликлардан фарқли, грек рассомлари методикаси табиатни органиклик нуқтаи-назардан ёндашиш услубиятига асосланган эди. Ўз навбатида, греклар ҳам бадий мактабларда таълим саводхонлигини ўзлаштириш жараёнларини осонлаштириш мақсадида тасвир тизимини яратиш турли методлари - ҳаққоний тасвир методикасига асос солдилар²⁹. Бу борада антик санъат усталари ҳайкалтарош Поликлет, рангтасвир усталари Полигнот, Зевксис сингари ижодкорлар шакллантирган канонлар ва унга доир қонун-қоидалар тизими ниҳоятда самаралидир.

²⁷ Левек П. Эллинистический мир. - М., Наука, 1989. – С. 223. Бу ҳақида П.Левек: “Антик маданият ўзининг руҳияти соғломлиги билан яхлит ҳолда классик санъатлар ривожига келажакни белгилаб берди... Эллинизм ўзининг мафтункорлиги билан турли худудларга кириб борар, оқибатда, нафақат улар эгаллаган мамлакатлар, хаттоки ўзлари тобеликка тушган римликларга, васийликдан озод парфияликлар ва скифларга ҳам таъсирини кўрсатган”.

* Канон – санъатдаги меъёр ва қоидалар мажмуи, шу билан бир қаторда бадий асар ёки санъат йўналишининг эстетик қадрияти.

²⁸ Ростовцев Н.Н. Очерки из истории методов преподавания рисунка. М.: Изобр. Иск. 1983г. с.22.

²⁹ Левек П. Эллинистический мир. - М., Наука, 1989. – С. 227. Эллинистик анъаналарнинг, юртимиз тасвирий санъати тарихидаги антик даври - П.Левек таъкидлагандек: “Санъатнинг Шарқдаги антик даври Греция учун антик санъатнинг беқиёс ривожига ортада қолган, Римда эса, унинг ибтидоси даврига тўғри келган”.

Демак, П.Левекнинг айтганларига таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, антик Грецияда ўша даврларда яратилган рассомлар трактатларидаги назарий мерос – канон*лар кейинги даврларда қадимги Римда ва ҳаттоки, бизнинг ўлкаларда бадиий мактаблар татбиқ этган бадиий саводхонликнинг методик асослари сифатида аҳамиятлидир. Ушбу трактат (рисола)ларда нафақат услубий маълумотлар балки амалий тажриба, симметрия қоидалари, санъатлар канонлари (санъатдаги меъёр ва қоидалар мажмуи) ҳақидаги маълумотларни ҳам топиш мумкин бўлган³⁰.

Ўзбекистоннинг бадиий мактаблари Грек-Бактрия даврида эллинистик анъаналар таъсирида бўлгани сингари, Кушонлар даврида Гандхара санъатига хос канонлар (санъатдаги меъёр ва қоидалар мажмуи) бадиий мактаблар саводхонлик асосларини ташкил этган. Ўрта Шарқнинг яхлит сиёсий макон касб этганлиги ва ҳинд трактати “Читралакшана”да келтирилаётган қонун-қоида ва канонлар тизимига таянилган ҳолда таҳлил этилади. Аммо, ўз ўрнида Гандхара санъати негизида ҳам эллинистик анъаналар асос бўлганлигини кўриш мумкин. Ушбу трактатда эллинлардаги сингари ўлчов белгиси сифатида: “ангула” – бармоқ кенглиги келтирилган, юз уч қисмга бўлинади: пешона, бурун ва даҳаннинг пастки қисмигача ҳар бир қисм тўрт “ангула”га тенг бўлиб, юзнинг умумий баландлиги ўн икки ўлчов белгисида ва унинг номи “тала” деб аталади. Инсон жуссаси ўн “тала”га тенг³¹ ва ҳоказо (шунингдек, Абдулғафур Раззоқ Бухорий келтирган ва мамлакатимизда ўрта асрларда миниатюра усталари риоя қилган ўлчамлардан деярли фарқланмайди, шу сабабли рисоланинг матни тадқиқот давомида таҳлил этилган). Демак, инсон жуссаси тана аъзоларининг табиий мутаносиблиги асосида шакллантирилган – канонлар (санъатдаги меъёр ва қоидалар мажмуи), барча ҳудудлар тасвирий санъатида универсаллик касб этганлиги боис, ҳар бир давр ва ҳудуд рассомлари ижодлари мобайнида асарларида инсон жуссаси пропорционал мутаносиблигини мазкур ўлчамлар асосида яратганлар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз бадиий мактаблари саводхонлик услубияти Грек-Бактрия даврида эллинистик анъаналар таъсирида бўлгани сингари, Кушонлар даврида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларидаги ушбу давр бадиий мактабларидаги кўплаб ёдгорликларнинг бадиий саводхонликка оид тасвир қоидалари Гандхар санъати – кушон канонлари доирасига хосликни намоён этилади.

Маълумки, “Антик давр ва илк ўрта асрлар Ўрта Шарқ канонлари ўзига хос хусусиятларга эга. Улардаги мавжуд хусусиятлар Марказий Осиё ва Эрон-Мессопотамия ҳудуд (регион)ларида шаклланган тасвирий канонлар: Парфия-Кушон канонлари, Сўғд канонлари, Умумҳалифалик канонлари доирасини бегилайди. Ривожининг турли даврларида канонлар қанчалик ўзгармасин у ҳар бир давр учун ўзига хос санъат конституцияси, яъни асосий

* Канон – санъатдаги меъёр ва қоидалар мажмуи, шу билан бир қаторда бадиий асар ёки санъат йўналишининг эстетик қадрияти.

³⁰Татаркевич В. Античная эстетика. - М.: Искусство, 1977. – С. 272-51.

³¹Мастера искусства об искусстве. т-1. Ближний и Средний Восток. Вступ. ст. Б. Веймарна - М.: Искусство, 1966. – С. 30.

конунига айланади”³². Шу боис, Ўрта Шарқ рангтасвири эллинистик мактаблар негизида ўзига хос услубни шакллантирди ва ҳаттоки локаллик жиҳатларини касб этувчи Болаликтепа, Панжикент, Варахша, Афросиёб худудий мактаблари пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Тарихий манбалардан маълумки, китобот санъати миниатюра санъати рассомлари маҳорати маъносида ҳам, шарқ санъатининг ёрқин саҳифалари маъносида ҳам ўз ўрнига эга.

XIV асрга тааллуқли эски ўзбек тилидаги рангтасвир усталари (наққошлар) касабаси “Низомномаси” ҳам муҳим аҳамият касб этган³³. Рисоланинг эътиборли жиҳати шундаки, унда буюк рассомлар қаторига киритилган Шамсиддин Демот тўпламидаги XIV асрга тааллуқли “Шоҳнома”га яратилган миниатюралар муаллифи, шу билан бирга, турк ва бошқа тарихий манбалардан маълум бўлган, Туркияда Боязид саройида миниатюра санъатига асос солган ўзбек миллатига мансуб Уста Бобо – Бобо наққош ҳақидаги маълумотнинг келтирилган³⁴. Ушбу рисолада санаб ўтилган наққош-рассомлар рўйхатида келтирилган “буюкликка даҳлдор усталар” орасида нисбалари келтирилган усталар - Қашқар, Балх, Бағдодликлар билан бир қаторда Бухоролик Уста Убайд, Тошкентлик Абди Жалил, Андижонлик Жалолиддинлар номлари ҳам учрайди. Айниқса, келиб чиқишлари қайд этилган шаҳарлар географияси кенглиги, тасвир санъати нафақат пойтахт шаҳарлар, балки унинг турли вилоятларида ҳам кенг тарқалганини кўрсатади. Тадқиқотнинг ушбу бандида ўрта асрлар тасвирий санъатининг китобот санъати сифатида шакллантирган анъаналари ва бадий мактабларнинг шаклланишига сабаб бўлган тарихий жараёнлар тавсифи³⁵, миниатюра санъати бадий мактаблари юксалишининг эътиборли саҳифалари таҳлили, санъат усталари рисолаларида тасвир санъати ва тасвир канонови ҳам тадқиқ этилган, бу борада Ўзбекистондаги бадий мактаблар фаолияти ҳақида Бухоронинг Мири Араб мадрасаси мударриси Абдулғафур Раззоқ Бухорийнинг айтишича: “Мамлакатимизда мусаввирлик талаблари, ҳатто ва рассомлар учун махсус қўлланмалар ҳам ёзилган. Улар қаторига Қози Аҳмад ибн Мир Муншийнинг “Тулистони хунар”, Мустафо Дафтариининг “Холоти хунарварон” ва “Хунарнома”, Монийнинг “Аржанги

³² Ремпель Л.И. Проблема канона. В древнем и средневековом искусстве Азии и Африки. -М.: Наука, 1973. - 154 с. – С. 154.

³³ Мастера искусство об искусстве. В семи томах. – М.: Искусство, 1966. – 1-том. – С. 143.Мазкур “Рангтасвир усталари низомномаси”нинг нодир қўлзмаси тадқиқотчиси А.Семёнов: “Матн таҳлили бўйича олинган у ёки бу маълумотлар, бу низомноманинг Мовароуннаҳрда пайдо бўлганидан далолат беради. Унинг тузилиш даври эса XIV-XV асрлар”, - эканлигини таъкидлайди, /Устав матни №09/804 инвентар номерли эски ўзбек тилидаги “насталиқ” услубида ёзилган. Миллий Университет кутубхонасида сақланадиган қўлзмалар тўпламининг саккиз бетдан иборат қисмини ташкил этади. Мазкур низомнома матни биринчи марта «Проблемы востоковедения» журналининг 1959 йил 3-сонида эълон қилинган.

³⁴ Ўша манба. – с.21.

³⁵ А что касается периода возрождения художественных школ в регионе Среднеазиатского междуречья, то заключения Г. Пугаченковой о том, что историю школ следует начинать с XIV века, вызвал ряд возражений в художественной критике в рамках бывшего Союза. Свои возражения по этому поводу, Г.Пугаченкова обосновывает в статье «К дискуссии о Среднеазиатской миниатюре XV столетия», в которой дается такая информация: «Напомним еще раз сообщение ряда источников о прибытии в 1394 году из Багдада в Самарканд знаменитого миниатюриста Абд аль-Хайя». А также, в столице Амира Тимура: «... не осталось ни одного художника, который бы не подражал ему». Это означает, что в XIV столетии в Самарканде работала большая группа художников, способных подражать Абд аль-Хайю.

Моний” сингари тасвир қонун-қоидалари жамланган рисола ва кўрсатмалар кенг тарқалган”³⁶.

Юқоридаги рисолаларни ўрганган усталар кўп ҳолларда миниатюра санъати услуби ва ашёлар услубияти ҳақида маълумотлар борлигига қарамадан инсон тасвирини яратишда Европада бўлганидаги каби – канонлар сингари инсон жуссаси ўлчамлари нисбати, анатомияга оид ва пластик шакли ҳақида “канон”^{*}лар мавжудлиги ҳақида савол берадилар. Шарқ миниатюра рассомлигида ўрта аср рассомлари миниатюра санъати услубияти ва ашёларини ўрганишда бўёқлар, техника, услуб масаласидан ташқари энг муҳим бадиий хусусият — маҳорат масаласини ҳам эътиборда тутганлар. Миниатюра санъатининг қонун-қоидаси, мавжуд меъёрий услуби, миниатюра санъатининг услубияти, бўёқлар, қоғозлар технологияси бўйича кўплаб рисолалар мавжудлиги ўз навбатида тадқиқот ишлари жадаллашувини кутмоқда. Шу маънода ҳозиргача маълум бўлмаган нафақат миниатюра услубияти ва техникаси, балки Бухоро миниатюра мактабига хос услубият мавжудлиги ҳақидаги маълумот шулар жумласидандир. Инсон жуссаси ўлчамлари ўрта асрлар “канон”лари, масалан, Ҳинд канонларида баён этилган “Читралакшана” даражасида белгиланган. Маълумки, ўрта асрларда бадиий таълимнинг асосини устоз-шогирд тизими ташкил этган. Асрлар мобайнида шаклланган бадиий таълим тизими ҳозирги кунда ҳам шахсий тарздаги таълим фаолияти мобайнида устознинг маҳорат кўникмалари шогирдда сайқал топади.

Биринчи бобнинг учинчи бўлими **“XIX аср охири - XX аср бошлари тасвирий санъат соҳаси ривожини”** деб номланиб, унда ўзбек ёшларининг реалистик тасвирий санъатига қизиқишлари ва бу борада иллюстрация соҳасидаги ижодлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Унда XIX асрнинг сўнгги чораги - XX аср бошларида Ўрта Осиё бошланғич мактабларидаги тасвирий санъат дарслари расм чизишдаги реалистик йўналишлар ўқув-бадиий таълим шаклланишининг асоси бўлганлиги ҳақидаги тадқиқот хулосалари ўз аксини топган.

Тадқиқотда XIX аср сўнгги чораги - XX аср бошларидаги юртимиз тасвирий санъат тизимида ноанъанавий, ҳаққоний тасвир услубияти реалистик тасвирий санъат соҳасининг юзага келиши босқичи бўлган Туркистон губерниясидаги академик бадиий таълимнинг илк анъаналари ва ривожланиш тамойиллари тадқиқ этилган. Адабиётларда таъкидланишича, Туркистонда яшаб ижод қилган рассомлар юртимизда рус санъатининг реалистик анъаналарини сингдиришга интилганлар. Шундай рассомлардан кўплари “большевистик инқилоб”дан аввал ҳам рус-тузем ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатдан машғулотлар олиб борганлар.

Ўша даврда Шарқ санъатининг ҳам, Шарқ жамиятининг ҳам тарихий муҳит доираси ўзгача бўлган. Сабаби, Ўрта Осиёда “станковизм”нинг мустақил жанрлари ва тасвирий санъатнинг бошқа турлари: ҳайкалтарошлик

³⁶ Абдулғафур Бухорий. Бухоронинг бетакрор бойлиги// Тафаккур. – Тошкент, 2009. - № 1. – Б. 124./.

* Канон – санъатдаги меъёр ва қоидалар мажмуи, шу билан бир қаторда бадиий асар ёки санъат йўналишининг эстетик кадрияти.

ва гравюра санъати Россия ва Европа мамлакатлари рассомлари фойдаланиб келган мукамаллик даражасидаги тизимга келтирилмаган, академик тасвирий санъат таълими воситалари ҳам мавжуд бўлмаган.

Тасвирий санъат академик бадий таълимнинг Чор Россияси худудларига кирган Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари ичида айнан Ўзбекистонда илк бор таркиб топиши тасодиф бўлмаган. Колониал Туркистон зиёлиларини ҳам тасвирий санъатнинг янги шаклларини рўёбга чиқариш йўлидаги ҳаракатлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада Санкт-Петербургга бориб келган Аҳмад Дониш тасвирий санъатнинг Европа учун хос китоб беаги – графика санъатини бошлаб берган бўлса, машҳур маърифатпарвар Сидқий Хондайлиқий ҳам Шайх Саъдийнинг “Гулистони”ни безашда китоб графикаси услубига мурожаат этган бўлиб, шу маънода тасвирий санъат классик шакллари Туркистонга кириб кела бошлаган.

Рус-тузем мактабларида таълим олган ўзбек ёш зиёлилари пластик тасвирий санъатга қизиқиш билан қарар эдилар, улар орасидан айримлари графикага хос услубларда китобларни безаш билан шуғулланишга интиланлар.

Диссертациянинг **“XX асрда Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг академик тизими шаклланиши: тарихий жараёнлар, амалий натижалар”** деб номланган иккинчи боби уч бўлимдан ташкил топган. Бобнинг биринчи бўлими **“Ўзбекистон академик бадий таълими тарихини ўрганилишидаги асосий манбалар ва 1920-50-йиллар бадий таълим”** деб номланган. Мазкур бўлимни ёритилишида XX аср бошлари Ўзбекистоннинг классик санъатлар доирасидаги реалистик бадий таълими академик тизимининг жорий этилишидаги илк жараёнлар ва тарихини ўрганилишидаги асосий ёзма манбалар ҳамда архив материаллари муҳим аҳамият касб этди. Академик бадий таълимнинг 1920-50-йиллар мобайнидаги ўрта махсус тизими жорий этилиши, таълим ривожланишида ўз хиссасини қўшган ижодкорлар ва битирувчилари ижодий фаолияти жараёнлари тадқиқ этилган. Шу маънода, мазкур асрнинг биринчи ва иккинчи чорақлари мобайнида юртимиздаги ўрта махсус бадий таълим воситасида шаклланган анъаналар – П.Беньков ва А.Волков педагогик услубияти ўзига хосликлари мисолида очиб берилган. Туркистонда машҳур рус рассомлари К.Коровин, В.Исупов, К.Петров–Водкинлар ижод манбаи сифатидаги фаолиятлари ва улар қатори кўплаб бошқа рассомлар ҳам Ўзбекистонга келиб яшаш ҳамда ижод қилиш асносида Ўзбекистон тасвирий санъатининг классик рассомларига айланганлиги ёритилган. Улар қаторига: О.Татевосян, П.Беньков, З.Ковалевская, В.Уфимцев, А.Николаев (Уста Мўмин), Н.Кашина ва бошқа кўплаб ижодкорларни киритиш мумкин. Юқорида номлари келтирилган рассомлар ўз ижодий фаолияти мобайнида, классик йўналишдаги бадий таълимни йўлга қўйишда ҳам ўз хиссасини қўшган. Натижада, Ўзбекистон тасвирий санъатида классик тасвирий санъати академик бадий таълимнинг XX аср бошларидаги эришган анъаналари мазкур таълим соҳасининг мустаҳкам пойдеворига айланди.

Бунда, XX аср бошларида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида жорий этилган ўрта махсус бадиий таълимнинг ўрни катта аҳамиятга эга. Диссертацияда юртимизда классик санъатлар доирасидаги бадиий таълимнинг жорий этилишида ўз хиссасини қўшган академик бадиий таълим ва унинг услубиятини ўзлари таълим олган – Санкт-Петербургнинг Император Бадиий академияси, Москвадаги – Москва Рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик сингари салоҳиятли ўқув юртларида эгаллаган рассомлар С.Юдин, И.Казаков, В.Развадовский, А.Исуповлар ва кейинчалик, Тошкент мактаби шаклланишида А.Волков ва Н.Розанов, Самарқандда бадиий таълимни йўлга қўйган Н.Цветков ва П.Беньков каби ўз касбининг фидойилари педагогик фаолиятлари жараёнлари тадқиқи ёритилган. Маълумки, Тошкентдаги 20-сонли Болалар уйи 1940-йилларга келиб, “Иқтидорли болалар уйи”га айлантирилган эди. Болалар уйи Бешёғоч даҳасида жойлашган Глиэр номидаги мусиқа мактаби ва П.П.Беньков номидаги рассомлик билим юрти билан ўзаро бир девор қўшни эди. Бу эса болалар уйи тарбияланувчиларига шуғулланиш учун жуда қулай шароит яратган эди.

Ўзбекистон ўрта махсус академик бадиий таълими жараёнига ўз таъсирини кўрсатган эътиборли воқелик – Иккинчи Жаҳон уруши йиллари даврида Самарқанд шаҳрида Ленинграднинг (ҳозирги Санкт-Петербург) И.Е.Репин номидаги Рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик, Москванинг В.И.Суриков номидаги Рассомлик институтлари ва бошқа Киев, Харьков шаҳарлари олий бадиий таълим даргоҳлари эвакуация қилинганлигидир. Бу даврда Ўзбекистон Халқ Комиссариатининг 1941 йил 26 июлдаги 502-сонли буйруғига биноан (Ўзбекистон М.Д.А. ф 2087, 01Д66 ва 69) Тошкент ва Самарқанд билим юртлари бирлаштирилиб, Самарқанд билим юрти негизида “Республика тасвирий санъат билим юрти”нинг ташкил этилишини Москва ва Ленинград рассомлик бадиий таълим даргоҳларининг Самарқандга эвакуацияси муносабати билан туғилган бадиий таълим муҳити жадаллашуvidан унумли фойдаланиш бўйича тўғри қабул қилинган қарор сифатида қайд этиш мумкин ва бу ўз самарасини берди. Ленинград ва Москва институтларининг Самарқанддаги таълим жараёни мобайнида кўплаб маҳаллий ёшларнинг тасвирий санъатга қизиқишлари ортди. Оқибатда, уруш тугаши билан И.Е.Репин номидаги институтнинг тайёрлов курсига ўзбекистонликларнинг катта гуруҳи қабул қилинди. Улар орасида Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, Т.Оганесов, М.Саидов, Ю.Зеликов сингари рассомлар бўлган³⁷. Улар шакллантирган мактаб Ўзбекистон академик бадиий таълими соҳасининг мустаҳкам пойдеворига айланди.

Бобнинг **“1950-80-йиллар бадиий таълими: бошланғич ва ўрта махсус тизим узвийлик тенденциялари”** деб номланган. Унда кадемик бадиий таълим ўрта махсус тизими меъёрий асослари, педагогик услубияти,

³⁷ Кейинчалик Тошкент театр ва рассомлик институтида тасвирий санъат факультети очилгандан сўнг ҳам деярли ҳар йили ҳозирга қадар ўзбекистонлик ёш рассомлар И.Е.Репин институтига ўқишга кириб, тасвирий санъат таълимини ўтиб келмоқдалар.

методологик ёндошувлари тадқиқ этилган. Шу билан бирга, соҳага “амалий санъат” ва “театр декорацияси” ихтисосликларини жорий этилиши, таълим саводхонлиги асосларини тадқиқ этишда, рус ва ҳамдўстлик мамлакатлари таълим намоёндалари, соҳа олимларининг таълим методологиясига оид тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари мисолида ёритиб берилган.

Мазкур бобда 1950-80-йиллар бадиий таълими: бошланғич ва ўрта махсус тизими узвийлик тенденцияларида - бадиий таълимнинг бошланғич тизими “Alma mater”ини ҳамда таълим узвийлигининг ўрта бўғини сифатида П.П.Беньков номидаги Республика билим юрти фаолияти жараёнлари, Ўзбекистон академик бошланғич ва ўрта махсус бадиий таълими шаклланиши ва унинг тизимига янги ихтисосликлар киритилиши тенденциялари, ўрта махсус бадиий таълими таркибида халқ амалий санъати таълимининг жорий этилиши тизимли тадқиқоти олиб борилган.

Бобнинг учинчи бўлимида **“XX асрнинг иккинчи ярмида юртимизда олий бадиий таълим тизимини жорий этилиши”** жараёнлари тадқиқ қилинган бўлиб, унда олий бадиий таълимнинг Театр ва рассомлик институти ва Ўзбекистон олий бадиий таълими тизимининг аввалги чораги мобайнидаги тарихи, 1950-80-йиллардаги ривож, турли соҳа ихтисосликлар кафедралари ташкил этилиши жараёнлари ёритилган.

Шунингдек, XX асрнинг иккинчи ярми 1954 йилда Театр ва рассомлик институтида олий бадиий таълимнинг тўлиқ занжирини яъни бошланғич, ўрта махсус ва олий бадиий таълим ташкил этиш жараёнлари, тасвирий, амалий санъат, дизайн соҳалари ва ихтисосликлари кенгайтиши муҳим аҳамият касб этди. Бобда бадиий таълим соҳаларининг хусусиятлари, барча ихтисосликларда умумқасбий ҳисобланган рангтасвир ихтисослиги, амалий санъат ихтисосликлари соҳалари, Ўзбекистонда санъатшунослик соҳасининг шаклланиши ва ривожланиш истиқболлари, музейшунослик таълими тарихи ва унинг олий таълим жараёнларида ўрганиш принциплари хусусиятлари ўрганилган. Академик бадиий таълим педагогикаси методик асослари рус ва ҳамдўстлик мамлакатлари педагоглари ҳамда соҳа олимларининг илмий тадқиқотларидаги фикр ва мулоҳазалари асосида шакллантирилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Рассомлик факультетида ихтисослик дарслари классик тасвирий санъатнинг академик бадиий таълими доирасида бўлган - Москва, Ленинград (Санкт Петербург), Харьков каби шаҳарлар олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари, шаклланган анъаналаридан миллий тасвирий санъат мақсад ва вазифаларини инобатга олган ҳолда мослаштириб қўлланилган.

Рассомлик санъатида касб маҳорати шаклланишининг шартлари ҳисобланган барча усул ва услублар – чизматасвир машқлари, этюд, нусха кўчириш, одам анатомиясини пухта ўрганиш, жонли қиёфани либосли ва либоссиз тарзда акс эттириш машқлари, табиат манзаралари, натюрморт чизиш сир-асрорларини ўрганиш, таътил вақтида ҳам ўқув амалиёти сифатида ўтказиш ва бошқа зарурий ишлар барчаси бутун жаҳон академик бадиий таълим тизимида қўлланиладиган дастурлар асосида олиб борилган.

Ҳозирда ярим асрдан ортиқ тарихга эга олий академик бадий таълимнинг жорий этилиши ва ундаги шаклланган анъаналар кўп асрлик бадий таълим тажрибасини ўзига сингдирган И.Е.Репин институти битирувчилари ҳамда мазкур институт битирувчилари номлари билан боғлиқ. Эътиборлиси шундаки, ушбу давр мобайнида етишиб чиққан ижодкорлар мустақиллик шарофати билан ташкил этилган Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоларига айландилар ва мамлакатимиз тасвирий санъати ҳамда бадий таълимда етакчилик қилмоқдалар.

Диссертациянинг **“XX аср бадий таълими: ўқув жараёнидаги ислохотлар”** деб номланган учинчи бобида олий бадий таълим тарихининг ўтган қирқ йили, Ўзбекистон тасвирий санъатининг мустақиллик йилларигача фаолияти мобайнида бадий таълим анъаналари тўлиқ шаклланганлиги ва унинг битирувчилари бадий ижод соҳаларида қўлга киритган ютуқлари каби масалалар ёритилган. Бобнинг биринчи бўлими **“Олий бадий таълимнинг Тошкент мактаби: мустақил таълим даргоҳи фаолиятигача бўлган давр тарихи”** тадқиқ қилинган бўлиб, унда олий бадий таълимнинг мустақил таълим даргоҳи сифатидаги фаолияти бошлангунига қадар бўлган даври тадқиқ этилган. Мазкур бўлимда, мустақиллик арафасида жамиятдаги ижтимоий муаммолар ва бадий жараёнлар, Ўзбекистон академик бадий таълимида профессионал рассом-ижодкорлар янги авлодини шакллантиришдаги тенденциялари очиб берилган.

Тошкент Театр ва рассомчилик институтининг довуғи турли собиқ иттифоқ доирасидаги республикалар орасида кенг тарқалган. Бадий таълим соҳасидаги эришилган ютуқларининг самараси, бу нафақат Ўрта Осиё балки собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларидан ўқиш истагини билдирувчилар сони тобора кўпая борди. Барчаси, юртимиз олий бадий таълимининг тарихи ярим асрга тўлар-тўлмас Собиқ Иттифоқ ҳудудида ўзига хос таълим маскани – Тошкент мактаби дунёга келганининг даракчисига айланди.

Мазкур бобнинг **“Рассомлик факультети”да шаклланган педагогик маҳоратнинг назарий-услубий асослари**” деб номланган иккинчи бўлимида бадий педагогикада рассом-педагогларнинг ижодий жараёнлар ва ташкилий жиҳатлар нуқтаи назаридан илмий-назарий фаолиятлари таҳлил этилган.

Мамлакатимиз фуқаролари онгидаги ўзгаришларга монанд мавзу – миллий мустақиллик орзуси боис норозилик аломатлари очик-ойдин намоён бўла бошлади. Миллий ўзликни англаш жараёнлари оқибатида, Тошкент театр ва рассомлик институтининг ўзбек санъатига алоқаси бўлмаган шахс, атоқли рус драматурги – А.Н.Островский номи билан аталиши кўплаб эътирозларни келтириб чиқарди. Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 24 сентябрь 318-сон Қарори асосида Тошкент Театр ва рассомлик институтига театр санъатининг арбоби Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти деб ном берилди.

Юртимиз ижодкорлари ҳам шовинистик характердаги “советлар” унитар тизими оқибатлари, жамиятда юз бераётган сиёсий инқироз

аломатларига ҳамоҳанг тарзда воқеликларга нисбатан салбий муносабат ва уларнинг ижодларида шакл ва мавзулари жиҳатдан ўзгача композицион изланишлар дунёга келиши билан яқунланди. Мисол тариқасида 90-йиллар бошларидаги 23-лар гуруҳининг Марказий кўрғазмалар залидаги вернисажларини эслаш мумкин.

